

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

15 ЙИЛ ЧИКИШИ

№ 3 (3741).

4

ЯНВАРЬ

ПАРШАНБА

1968 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.

ЗҶҮР ҒАЙРАТ БИЛАН

«Ўзбекхлопкомаш» заводи коллективни ўтган ҳўжалик йилини анча яхши кўрсаткичлар билан якунлади. Пахтачилик саноати учун турли-туман асбоб-ускуналар етказиб бериш давлат плани муддатидан бир неча кун илгари адо этилди. Азаматлар қўшимча юзларча минг сўмлик маҳсулот етказиб бердилар.

Машинасозлар беш йиллик план топшириқларини муддатидан илгари бажариш, халқлар

дохиси В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб тортиқлар билан кўтиб олиш мақсадида шу кунларда янада зўр ғайрат-шижоат билан меҳнат қилмоқдалар. Барча цех ва участкаларда меҳнат кўтаришқилиги ҳўки сурмоқда. Беш йиллигининг учинчи йилида маҳсулот ишлаб чиқаришини 9,5 процент кўпайтириш юзасидан зиммасига юксак мажбуриятлар олган коллективни мажбур ре-зервларни қидириб топшиш ва

ишга солишга алоҳида эътибор бермоқда.

Пахта тозалаш машиналарининг ХДВ-2М, ЧХ-3М ва ППМ маркали янги хилларини тайёрлашни ўзлаштиришдек шарафли вазифани муваффақиятли бажаришга астойдил интиломоқдалар. Шу тўғрйли ҳам машинасозлар янги йилнинг дастлабки кунларидида самарали меҳнат қилдилар. Кўнлик топшириқларини ортиги билан адо этмоқдалар.

В. КОМИЛОВ.

Янги йилнинг янги маҳсулоти

Ғазалкентдаги консерва заводи ўтган йил октябр ойидан бошлаб янги йил ҳисобида маҳсулот ишлаб чиқара бошлаган эди. Ҳозирги вақтда корхонада олча, тоғолча, шафтоли, беҳи ва олмадан тайёрланган қиёмлар, компот ва жемлар кўплай миқдорда тайёрланади. Яқинда ана шу маҳсулотларнинг кўчилиги Узоқ Шарқ томон, Сибирь ва Уралга қараб жўнатилди. 365 вагон қиём ва бошқа мева маҳсулотлари энди йилида Владивосток, Хаба-

ровск, Находка, Магадан, Сахалин ва бошқа узоқ жойларда яшаётган қишлоқларимиз орасида ҳам маълум ва машҳур бўлиб кетади.

Ҳозирги вақтда Ғазалкент консерва заводи республикамиз шаҳарларидан ташқари яна 82 шаҳарга ўз маҳсулотини жўнатиб турибди. Ўзбек ерида етиштирилган мева бутун Иттифода ўзини кўз кўз қилапти.

Т. СИХАРУЛИДЗЕ.

Чапдаги суратда электр пайван д.ч. Валентина Жолшибековани кўриб турибсиз. У пойтахтимиз марказида қурилаётган 19 қаватли бино қурилишида ишлаяпти. Пойтахтининг 11-қурилиш трестига қарашли 1-боншармаси шу бинони буюб етати.

А. Тўраев фотоси.

Ўнгда: Тошкент политехника институтининг энергетика факультети студентлари янги ўқув йилини ана шу янги бинода бошлаб юборишди. Мазкур корпус студентлар шаҳарасида қал кўтарди.

В. Сироткин фотоси.

РЕСПУБЛИКАМИЗ БЎЙЛАБ

ШОНЛИ КҮН АРАФАСИДА

ТОШКЕНТ. 1968 йил 5 майда Карл Маркс туғилган кунининг 150 йиллиги нишонланади. Республика «Билим» жамияти шу кунни кенг нишонлашга тайёргарлик кўра бошлади. Пролетариат улғу устозининг ғоявий меросини кенг пропаганда қилишни кўзда тутган лекцияларнинг катта тематик плани ишлаб чиқилди. Булар — философияда революцион ўзгариш ясаган марксизмнинг келиб чиқиши ҳақидаги, К. Маркснинг иқтисодий таълимоти ҳақидаги, бутун дўне коммунистларнинг буюк интернационал таълимоти бўлган марксизм-ленинизм ҳақидаги ҳикоялар бўлади.

СИЕСИЯ АХБОРОТЧИЛАР МАКТАБИ

ФАРҒОНА. Нефтин қайта ишлаш заводи партия комитети ҳузурида сиёсий ахборотчилар мактаби ташкил қилинди. Бу мактабнинг мақсади — сиёсий ахборотчилар билимининг бойитиш, уларни оммавий агитация ишларининг методик маҳорати билан қуроллантириш, корхона ҳаётидаги янгиликлар тўғрисида хабар бериб туришдан иборат.

Ҳозир областнинг шаҳар ва қишлоқларида 1200 дан ортиқ сиёсий ахборотчилар бор. Партия комитетлари доимий ишлаб турадиган мактаблар, курслар ва семинарлар уюштирмоқда.

КОЛХОЗ МУЗЕИ

ШАХИСАБ. Шахисаб районидаги «Қизил юлдуз» колхозидида революцион ва меҳнат шон-шўхрати музейи очилди. Бу музейда энг яхши пахтачилик ҳўжалигининг бундага келиши, уни мухташамлаш тарихи ҳақида ҳикоя қилувчи 300 га яқин ҳўжатлар тўпалangan.

ҚАМИШ ПЛИТАЛАР

УРҒАНЧ. Область ҳўжалик коллективни ўтган йили қишлоқ қурувчиларига 30 минг квадрат метрда заёд қамиш плиталар тайёрлаб берди ва план ортиги билан адо этилди. Бу амалларга эҳтиём қилиб борётганлигидан янги йилда қамиш плита тайёрлаш кўпайтирилди. Урғанч ҳўжаликлар ҳузуридаги плита тайёрлаш цехлари янги пресслар билан таъминланмоқда.

БИНОКОРЛАРИНИНГ ЮКСАК МАРАҒАЛАРИ

ФАРҒОНА. 8-қурилиш трестининг коллективи Москва ва Ленинграддаги илғор корхоналарнинг ватанпарварлик ташаббусини кўплай қувватлади. Бинокорлар В. И. Ленин туғилган кунининг юз йиллигини муносиб кўтиб олиш учун ҳаракат қилиб, беш йиллик плани муддатидан олдин, 1970 йил ноябргача бажариш мажбуриятини олдилар. Меҳнатини иллий ташкил қилишни жорий этти, янги техника ва илғор технологиядан энг самарали фойдаланиш ҳисобига беш йиллик охиригача планда ташқари бир миллион эллик минг сўм фойда олиш кўзда тутилди. Новаторлар қурилишга 400 дан кўпроқ рационализаторлик таклифни жорий эттишга сўз бердилар.

МЎЛ ВА АРЗОН САБЗАВОТ ЕТИШТИРАМИЗ

Колхозимиз илгари асосан пахтачилик, чорвачилик ва қисман боғдорлик билан шўғулланарди. Энди сабзавот, картошка ва полдиз маҳсулотлари ҳам етиштири бошладик. Сабзавотчилик бизнинг колхозчиларимизга янги касб. Шўнга қарамай улар бу йил пахтачилик билан бир қаторда сабзавот ва картошкани мўл ҳосил етиштириш учун ҳам астойдил меҳнат қилдилар. Янги касбни эгаллаб олдилар. Илгари картошка экиб доақал уруғини ҳам ололмаган қишлоқ картошка, помидор, қарам, сабзи, пиёз каби экимлардан юқори ҳосил етиштириб юбилейни галаба билан кўтиб олдилар.

Бу йил биз 1748 тонна картошка етиштиришни планлаштирган эдик. Ингил олган ҳосилимиз эса 1755 тоннага етди. Умуман картошка, сабзавотнинг янги ҳосили 5262 тонна бўлди. Бу пландагидан қарийб минг тонна кўпдир. Шўннгидек 258 ўринга 372 тонна

мева, 104 тонна узум етиштирилди. Бу маҳсулотлардан планга қараганда 22485 сўм кўп даромад олинди.

Давлатга пландагидан 214 тонна картошка, 1634 тонна кўп сабзавот маҳсулоти сотилди. Булар шўбхасиз яхши. Лекин ишимизда баъзи камчиликларга ҳам йўл қўйилди. Маълумки, ўтган йил сабзавот ва мева етиштириш плани умуман ошириб бажарилган бўлса ҳам, унинг турлари бўйича тўла бажарилмади. Масалан, бодринг, ош лавлати ва резавор экимлари пландагидан кам бўлиб қолди.

Ғарчанд сабзавот ва картошкани планга нисбатан кўп даромад олинган бўлса ҳам, аммо бизни қаноатлантирмайди. Ҳали етиштирилаётган маҳсулотларнинг таннархи қиммат. Масалан, дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда 1 центнер картошка етиштириш учун 9 сўм 29 тийин, сафланди. Помидорнинг 1 центнерига 3 сўм 73 тийин, қарамга 3 сўм 34 тийин, сабзига 4 сўм 50 тийин ҳаражат бўлди. Таннархнинг бундай ошиб кетишига сабзавотчиликда техникадан фойдаланиш даражасининг пастлиги, кўп меҳнатнинг кўп бўлиши сабаб бўлмоқда.

Механизациядан фойдаланиш даражаси яхши бўлган эвенорларда маҳсулот таннархи унча ортиқ эмас. Масалан, Бекмурод Ҳайитбоев бошлиқ эвенора картошка, полдиз, ош лавлати ва сабзи етиштиришда техникадан фойдаланиш даражаси ўртача 75 процент ва маҳсулотларнинг ўртача таннархи 2 сўм 05 тийинга тўғри келди. Аммо Тўйчи Йўлдошев бошлиқ эвенора техникадан фойдаланиш даражаси 72 процент бўлгани учун эвенора етиштирилган маҳсулотларнинг ҳар центнери 3 сўм 72 тийинга тўғри келаётди. Демак, сабзавотчиликда техникадан фойдаланиш даражасини ошириш асосий вазифадир. Бу ҳақда янги тапшиқлар жиддийроқ шўгулланишлари лозим. Чунки бу

жузда зарур ҳаётини масалалар.

Колхозчилар, совхоз ишчилари ҳалол меҳнат қилиб кўпроқ сабзавот етиштириш учун астойдил интиломоқдалар. Улар шаҳар меҳнатқиларининг сабзавот билан таъминлаб туришни ўзларининг муқаддас бурчлари деб биладилар. Аммо шўндай мақсадларда етиштирилаётган сабзавот маҳсулотларини халққа етказишда тайёрлов тапшиқлотлари ва заводларга топширишда жиддий нуқсонлар юз бермоқда. Олғи борган сабзавотчилик консерва заводи олдида сутқалаб туриб қолади. Тайёрлов тапшиқлотлари олаётган сабзавотлар эскириб, сўли, сифати бузилганда кейин харидорларга етказилайди. Маҳсулотимизни шў аҳволда кўриб ачинамиз. Бундан шаҳарликлар ҳам ҳўсраб бўлмайдилар.

Сабзавотни иссиқ кунларда айниқса тез ва таққонлик билан харидорларга етказиш тўғрисида жиддийроқ ўйлаб кўриш ва ҳал

қилиш лозим. Айниқса колхозлардан бевосита бозорга ва сабзавот сотаётган дўконларга етказиб бериш чораларини кўриш муҳим аҳамиятга эга.

Халққа сабзавот йил бўйи қарик, Лекин сабзавот саклайдиган омборлар, ҳолодильниклар йўқ. Борлар ҳам ҳўзирги талабга жавоб бермайди. Энди сабзавот омборлари, ҳолодильниклар қуриш энг зарур масала бўлиб қолди.

Етиштирилаётган сабзавот маҳсулотининг таннархига қўзғал кечтирилган кишининг эсида дарҳол картошка уруғи қолади. Чунки картошка уруғи масаласи ҳали ҳам муаммо. Бизнингта салқин тоғ зоналарида картошка уруғи етиштирилган ва сакланадиган маҳсул совхоз ва ҳолодильниклар қуриш лойиҳа етиб қолди.

Ю. ФАИЗИЕВ.

Янгиқўл районидаги Свердлов номи колхоз раиси.

ЧОРВАДОРЛАР ЗАҒАРИ

Бекободдаги илғор ҳўжаликлардан бири бўлган «Победа» колхозининг чорвадорлари юбилей йилида қувончи зарфларга эришдилар. Бу ерда сут сотиш плани муддатидан илгари ошириб бажарилиди. Райондаги Ленин номи, Навоий номи колхозларининг чорвадорлари ҳам сут етиштиришни, кўпайтиришда улардан қўлишмади.

Дзержинский номи колхоз паррандабоналари давлатга 41 минг донадан ортиқ тухум етказиб бердилар. Ҳ—«Давлар» совхозни паррандабоналари ҳам бу соҳадаги юбилей йили топширигини ошириб адо этидилар.

Район чорвадорлари беш йиллигининг учинчи йили учун ўз иммаларига юксак мажбуриятлар олдилар.

Ф. ЗИДУЛЛАЕВ.

САРАТОВЛИКЛАР ИЗИДАН

Авваллари кўпгина корхоналарда маҳсулот сифатини текшириш учун техника назорати бўлими ходимлари штатини кенгайтириш лозим, деб ҳисоблашарди. Лекин бундай тадбир яхши натижа бермади, маҳсулот сифати аввалгидек қолавверди.

Саратов корхоналарида эса бу борада тамомла бонқача йўл тутилди. Уларнинг коллективлари сифат учун кураш фақат назоратчиларнинггина вазифаси деб билимадилар. Балки сифатини яхшилаш учун аввало фойда ва техниканинг сўйити ютуқлари асосида технология жарайлар ва чертёжларни қайта кўриб чиқиш лозим, деб топдилар.

Саратовликлар «Ишчи виждони» энг яхши назоратчи» деган широк остида меҳнат қилишга, фақат аъло сифатли маҳсулот тайёрлашга даъват қилиб чиқдилар.

Саратов саноатчилари дилимиздаги таниниг худди ўзини айтишди. Корхонамида бу муҳим иш билан жуда қизиқиб қолдишди. Саратовликлар амалга ошираётган ишлар билан бевосита чуқурроқ танинишга аҳд этиди. Заводнинг қатор ижтисар ва техниклари Саратов область саноат корхоналарида бўлиб, ўз ҳамкасбларидан маҳсулот сифатини яхшилаш бора-сидиги тажрибаларини пухта ўрганишди. Натижада ҳамма қимматли янгиликлар, тажрибаларни ўзинида ҳам қўлла бошлашди.

Малакали мутахассислар трактор деталларининг чертёжлари ва технология жарайларини бир чеккадан қайта кўриб чиқишди, уларга қатор муҳим ўзгаришлар киритишди. Жумладан, 2052 рақамли шестерия радиуси 6 миллиметрдан 10 миллиметр қилиб ўзгаририлди. 2074 шестериянинг устки қисминини тоблар технологияси ҳам ўзгаририлди, у аввалгидан 1,2-1,8 миллиметрда эмас, балки бутун чуқурлиги бўйича тоблана бошлади. Узаткич ўқининг шестерия ўтказилмаган қисмини тоблар ҳам жорий этилди. Натижада ялғарилари оз муддат ичида ишдан чиқадиган бу деталларнинг пишиқлиги ҳамда

ишлаш муддати анча ошди. Ўзгага ишлов бериш, пахта терим каби долзарб масуларда шестерия еки узаткич ўқининг синиб қолшини сабабли тракторларнинг тўхтаб қолшини кескин қамайди.

Саратовликларнинг «Ишчи виждони» энг яхши назоратчи» деган сарматно широк бизда ҳам жорий қилина бошланди. Ишчилар тайёр маҳсулот сифатини аввал ўзлари пухта текшириб, сўнгра техника назорати бўлими ходимларига топширишга одатланишляпти.

Бракка йўл қўймай, ҳаминча аъло сифатли маҳсулот ишлаб чиқараётган ишчилар бизда муносиб тақдирланади. Бундай ишчиларга пул мукофоти бериш жорий этилган. Бешолти ой мобайнида браксиз маҳсулот ишлаб чиқарган ишчилар ва бригада аълоларига «Сифат аълочиси» деган ном ҳамда техника назорати бўлими назоратсиз ишляпти. 26 ишчига «сифат аълочиси» деган ном берилди, цехларнинг умумий йиллигида шахсий тамгалар топширилди, илғорларнинг фотосуратлари махсус тахтага қўйилди. Улар орасида тобловчи Т. Қозоқов, токар Н. Клейменов ва бошқалар бор.

Шўндай пешкадаларимизнинг ижодий изланиши, кучгайрати маҳсулот сифатини яхшилаш, пишиқлигини ошириш, иш муддатини узайтириш имконини берапти. Жумладан, тракторнинг гарантия муддати 20 ойдан 24 ойга узайтирилди, пахта териш ва қўрак чувиш машиналарининг редукторлариники эса эндиликда бир йил эмас, балки икки йилгача узайди.

Корхонаимизнинг каттаюкичи фақат аъло сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш учун бошланган ташаббусни қўллаб-қувватламақда.

С. ТўЛАЕВ.

Ўзбекистон трактор-йиғма заводи техника назорати бўлими бошлигининг ўринбосари.



СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ЯШОВЧИ КЎП БОЛАЛИ ОНАЛАРГА „ҚАҲРАМОН ОНА“ ФАҲРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ҳа ундан кўп бола туғиб, тарбиялаб ўстирган кўнлидаги оналарга «Қаҳрамон она» фахрий унвони беришдан ҳамда «Қаҳрамон она» ордени ва СССР Олий Совети Президиумининг ёрлиғи топирилсин:

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИДАН

1. Болтабоева Ҳалима — Тош-

кент шаҳарлик рўзгор ишидаги аёл.

2. Имомова Ҳўри Мансуровна — Тошкент шаҳарлик рўзгор ишидаги аёл.

3. Кенжаева Сабура — Тошкент шаҳарлик ишчи.

4. Мирзаева Маъсуда — Тошкент шаҳарлик рўзгор ишидаги аёл.

5. Миртолипова Турсуноя — Тошкент шаҳарлик рўзгор ишидаги аёл.

СССР Олий Совети Президиумининг раиси

СССР Олий Совети Президиумининг секретари

МОСКВА, КРЕМЛЬ.

6. Ҳодиева Раҳима — Тошкент шаҳарлик рўзгор ишидаги аёл.

СССР Олий Совети Президиумининг раиси

СССР Олий Совети Президиумининг секретари

1967 йил 30 декабрь.



МАМЛАКАТЛАР ВА КИТАБЛАРДА

ВЬЕТНАМДАН ОЛИНГАН ХАВАРЛАРДАН

Жанубий Вьетнам миллий озодлик фронтининг расмий органи Озодлик агентлиги эълон қилган ахборотда айтиладики, 1967 йил 13 декабрда бўлган кейинги етти йил давомида Жанубий Вьетнам халқ озодлик курали кучлари душманнинг бир йил миллионга яқин солдат ва офицерини, шу жумладан АҚШ ва малайлар қўшинларидан 300 минг ҳарбий хизматчини сафдан чиқаришда, 8.590 самолётни уриб туширишда ва ерда турганда шикастлангандар, 15.835 ҳарбий автомашинани яқсон қилди.

Вьетнам халқ армиясининг ҳаво ҳужумидан муҳофаза жанчилари 30 декабрда Куангбонг вилояти тепасида Вьетнам Демократик Республикасининг осмон чегарасини бузиб ўтган Американинг бир самолётини уриб туширишда, дейлади ВИА агентлигининг хабари.

Вьетнам Демократик Республикаси ҳукуматининг ВИА агентлиги эълон қилган баёнотида айтиладики, Вьетнам Демократик Республикаси ҳукумати АҚШ империалистлари ва уларнинг малайлари томонидан Камбоджа коронлигига қарши қилинган ҳаракатларга ва уларнинг агрессив планларига қарши кескин норозилик билдирилади. Қўшма Штатларнинг Камбоджага қарши уруш чиқариш ва бундан башбарҳудда, Шарки-Жанубий Осиёдаги тинчлик учун фавқулодда жиддий таҳдидиди.

ЮКСАН МУКОФОТ

ХАНОЙ, 2 январь. (ТАСС). «Куай дой инг зан» газетаси бугунги сонининг бош мақола-си «Ватан ордени билан баёнотда қоралб турибди» деган сарлавҳа остида босилди.

«1968 йилга катта умид билан қадам қўйган бутун армиямиз ва бутун халқимиз, — дейилади бош мақолада, — Жанубий Вьетнам миллий озодлик фронтини марказий комитети президиумининг Жанубий Вьетнам озодлик халқ курали кучларини Ватан ордени билан мукофотлаш ва АҚШга қарши, ватанини қутқариш учун урушда жуда катта муваффақият-

ларга эришган район ва област-ларга бошқа хилдаги юксак му-кофотлар тошириш тўғриси-даги қарорни эшитиб жуда хур-санд бўлди».

«Биз бу нарсасга қатъий аминмизки, — дейлади бош мақолада, — халқ ва озодлик халқ курали кучлари Жану-бий Вьетнам миллий озодлик фронтини марказий комитети томонидан шу қил-қулдан мав-суми даври учун қўйилган шон-ли вазифини, шубҳасиз, бажар-ди».

Мақолада ватан озодлиги учун Қўшма Штатларга қарши олиб борилаётган уруш ҳал қилувчи босқичга кириди, деб таъкидланади.

ВАТАНПАРВАРЛАР ҲУЖУМ ҚИЛМОҚДАЛАР

ХАНОЙ, Жанубий Вьетнам озодлик халқ курали кучлари-нинг жанчилари 29 декабрда Америка армиясининг Хангшонг дарёсидан сузувчи базасига ҳужум қилди.

Вьетнам информация агент-лигининг озодлик агентлиги

маълумотига асосланиб хабар беришга кўра, базасида 16 катер, 2 та вертолёт, 6 та тўп ва бошқа қўшма жанговар ҳарбий техника сафдан чиқарилди. Дўшман қўшма сол-датларини талафот берди. (ТАСС).

Бирдамлик мустаҳкамлансин

ҚОҶИРА, Жаҳон тинчлик кенгашининг бош секретари Р. Чандра билан Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги ташкилотининг бош секретари Юсуф Ассобий имзолаган қўшма ахборотда айтиладики, жаҳон империализмининг кирдиқорлари натижасида барча антимпериалистик ва революцион кучлар бирдамлигини ва уларнинг ҳаракат бирлигини янада янгилашти-риш зарур.

Ахборотда Америка авиациясининг Вьетнамга қилаётган қароқчилик ҳужумлари дарҳол тўхтатилиши, АҚШ ва малайлар Вьетнамга доир Женева битимлари бажарилсин, деган талаб-ларни қўллаб-қувватлаш учун жаҳон афғор оммасини сафар-бар қилиш, шунингдек Жанубий Вьетнам миллий озодлик фронтининг сиёсий программасини амалга ошириш зарурлиги таъкидланади.

Жаҳон тинчлик кенгаши билан Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги ташкилоти Исроил агрессор қўшинларини оккупация қилган Араб территорияларидан чиқариб юборишни яна бир марта талаб қилди.

Иккала халқаро ташкилотнинг қўшма ахборотида Африка халқларининг озодлик ва мустақиллик учун олиб бораётган одилона кураши ҳам тўла равишда қўллаб-қувватланди.

ИОРДАНИЯНИНГ НОРОЗИЛИГИ

НЬО-ПОРК, 3 январь. (ТАСС). Иорданиянинг Бир-лашган Миллатлар Ташкилоти-даги доимий вакили неча БМТ Бош секретари У Таига мак-туб юборди. Мактубда Исроил ҳафсоналик кенгашининг сулҳ тўғрисидаги қарорларини яна бутаётганига қарши норози-лик билдирилади.

Мактубда айтиладики, 1 ян-варда Исроил артиллерияси Иордания территориясидаги қў-риқни келтирилган ливончи ла-герини ўққа тутди.

Граждан аҳолидан 3 киши ўлди ва 6 киши яралор бўлди. Иордания Бирлашган Мил-латлар Ташкилотининг Бош секретарига мурожаат қилиб, Исроил томонидан қилинган бундай ҳаракатларни тўхтатиш учун барча уруш чоралари қўрилиши илтимос қилади, шу-нингдек ҳафсоналик кенгаши-нинг барча Араб қўқчиқларини ўз юртиларига қайтариш тўғ-рисидаги қарорини Исроил назар-лисан қилмаётганини кўр-сатиди.

К. Бернардининг янги операцияси

ЛОНДОН, 2 январь (ТАСС). Кейптаундаги «Хрофе Схор» касалдонасининг бир гурӯҳа хи-рурглари профессор Бернард бошчилигида бугун юракни қў-

чириб қўйиш бўйича янги опе-рация қилди. 68-ёшлик тиш доктори Блайберга автомобиль ҳалокатида вафот этган 24 ёш-лик Хауптнинг юраги олиб қў-йилди.



ШВЕИЦАРИЯ. Же-нева шаҳрида қаҳра-мон Вьетнам халқи олиб бораётган кураш-ни қўллаб-қувватловчи халқларнинг оммавий намойиши бўлиб ўтди. Намойиш қатнашчилари Вьетнам Демокра-тик Республикаси тер-риториясида олиб бо-рилаётган ваҳшиёна урушни тўхтатишни талаб этди.

А. Драгунов ва Е. Коржев телефотоси.

Улан-Удэда самолётлар учиб кетишга мосланган бетонли йўл бор. Белгиланган вақтда янги «АН-24» самолётлари қанотла-рини қоқиб, биринчи марта осмонга қараб қўтарилади. Суратда: са-молёт йиғув ҳеҳида.

Э. Брюханенко фотоси, (ТАСС фотохроникаси).

БУГУН—БИРМА МУСТАҚИЛЛИГИ КУНИ

ЭРКСЕВАР ХАЛҚ БАЙРАМИ

Бугун эрксева Бирма халқи ўз мамлакатининг 20 йиллигини зўр тантана билан байрам қилмоқ-да.

Бирма жануби-шарқий Осиёда Хиндхитой ярим оролининг ши-моли-гарбий қисмида жойлашган давлат бўлиб, Хиндистон, Покис-тон, Хитой, Лаос ва Таиланд бил-ди чегараланади. Аҳолиси 23 миллион 644 минг кишидан иборат. Мамлакат аҳолисининг учдан икки қисмини бирмалликлар таш-кил қилади. Пойтахт — Рангун шаҳрида 822 минг киши яшайди.

Бирманинг катта қисми тоғлар ва ясси тоғликлардан иборат. Мамлакат иссиқ ва тропик клим-ли. Ўсимликлари асосан тропик характерда бўлиб, жуда катта майдонларини ўрмонлар қоплаган. Тропик ўрмонларда хилма-хил пальма ва бамбуқ дарактлари ўсаяди.

Бирма — Осиёдаги энг қадим-ий мамлакатлардан бири. У XIX асрнинг биринчи ярмида Англия-нинг мустақиллигига айланиб қол-ди ва Буюк Британия империя-сининг Хинд мустақиллиги ҳайа-тига қўшилиб олинди. Ўша даврдан бошлаб Бирма халқи инглиз му-стақиллигининг астуни остида ээлиб келди. Тақдирланган халқ оммаси ўз озодлиги ва миллий мустақиллиги учун курашиб, му-стақиллашган устидан галаба қо-зонди. 1948 йил 4 январда Бирма мустақил республика деб эълон қилинди. Бирма Анг-лия капитализмидан озод бўлма-ган илгари жаҳоннинг энг қолон мамлакатларидан бири эди. Чи-дан ҳам мустақиллашчилар Бирма-га оғир мерос қолдирган эдилар.

Чунончи, мамлакатда саноат вай-ронгарчилига учратган, нефть ва кўмир конлари ишдан чиққан, қишлоқ хўжалиги, айниқса, асосий овқат-овқат маҳсулоти ҳисоблан-ган шол иштироқи нисбатда па-сайиб кетган эди.

1962 йилда ҳокимият тепасига келган генерал Не Вин бошчи-лигида Революцион совет раҳбар-лик қилаётган ҳукумат Бирма халқининг миллий манфаатларига мослашган бир мунча муҳим тад-бирлар ишлаб чиқди ва уларни амалга оширмоқда. Янги ҳукума-тининг 1962 йил апрелида қабул қилган «Социализмга томон бир-мача йўл» деган программасида мамлакатда кенг ижтимоий ва иқ-тисодий ўзгаришларни амалга ошириш кўзда тутилган. Револю-цион совет муҳим ижтимоий-иқ-тисодий масалаларни назарда ту-

тиб, Бирмада социалистик жа-ми-ят барпо этилаётгани эълон қилди ва ўтган йиллар давомида ўзи эълон қилган программалар юза-сидан бир мунча ишларни амал-га оширди. Революцион совет ай-ниқса шаҳар экономикасида катта муваффақиятларни қўлга кирит-ди. Бундан ташқари, экономика-нинг барча тармоқларидан чет эл капитални суриб чиқарилиди. Бирма ўзининг ички ресурсларидан мак-симал фойдаланган ҳолда иқти-содий мустақилликка эришиш учун ҳаракат қилмоқда.

Революцион совет Бирма саноа-тида, банк системасида, ички ва ташқи савдода чет эл монополия-сини тугатди. Шунингдек, Бирма стерлинг зонасидан чиқди. Бу тад-бир миллий манфаат йўлида му-стақил иқтисодий сиёсат юритиш-га имконият туғдириди. Яна шун-дай имкониятлардан яна биттаси ҳар хил сабабларга кўра оғалари тарафидан ёпиб қўйилган бир қанча корхоналарни давлатга ў-тказиш ҳамда банклар, корхона-лар ва йирик магазинларни на-ционализация қилиш бўлди.

1966/67 — 1969/70 йилларга мўлжалланган планда қишлоқ хў-жалигига ва қишлоқ хўжа-лигига хом ашёсини қайта ишлаб чиқаришга катта аҳамият берил-ган. Шунингдек, қатор корхона-лар қуриш, энг муҳими тўқимачи-лик ва қанд корхоналари қурили-ши белгиланган. Ҳозирги кунда қороз, тўқимачилик, фанер фаб-рикалари, шунингдек, бошқа са-ноат объектлари қурилмоқда. Давлат корхоналарида меҳнат ша-ронитлари яхшиланимоқда. Шун-дан ҳам айтиш керакики, ҳозир ҳуку-мат 1961/62 йилга нисбатан соғлиқни сақлаш ишларида 3 ба-робар, маорифга эса 2 баробар кўп маблаг сарфланмоқда. Нати-жада қўллаб-қувватлаш, профес-сионал ўқув юртилари, диспансе-рлар ва медицина пунктлари ошил-моқда.

Саноат ва қон саноати жуда секинлик билан ривожланимоқда. Саноатнинг йиллик ўсиш даражаси 2-3 процентини ташкил қилмоқ-да. Руда қазиб чиқариш қийин ақ-волда бўлиб, урушдан олдинги даражасига ҳам етгани йўқ. Аммо Бирма қишлоқларида еришлик, кам ерилик илгарингидек асосий проблема бўлиб қолмоқда. Етар-ли ишчи кучига эга бўлмаган қишлоқ хўжаликлари қийин ақ-волдадир.

Шунга қарамай Революцион совет қишлоқ хўжалик маҳсул-атини ошириш, деҳқончи-

лик ишлари ва деҳқонлар аҳоли-ни яхшилаш мақсадида бир қатор тадбирлар ўтказди. Революцион совет 1963 йилнинг март ойида ериш ижарага беришни тақиқ-ловчи қонун қабул қилди. Шу йилнинг охирида туланмай қол-ган боқиманда қарз учун деҳқон-нинг ериши, меҳнат қуралини ва қишлоқ хўжалик меҳнати олинган тўртби олтиш ман қилувчи ик-кинчи қонун қабул қилди. 1965 йилда эса деҳқонларнинг помеш-чикларга ижара ҳақи тўламасли-гини ҳақида қонун чиқарилиди. Мазкур аграр қонунлар Бирма деҳқонларига ўз ҳуқуқларини қи-мом қилиш учун юридик асос бўлди.

Давлат тарафидан деҳқонларга берилган қарзлар суммаси йил-дан йилга ошиб бормоқда. 1966/67 — 1969/70 йилларга бел-гиланган тўрт йиллик планда иш-лаб қўйилган каттагина маблаг сарфлаш кўзда тутилган. Жумла-дан, қишлоқ ерлар оғиш, ташлан-диқ ерларни қайта тиклаш, ирри-гация ишхоналари қуриш ва қишлоқ хўжалигига механизацияни қўллашга алоҳида эътибор берил-моқда. Қишлоқ хўжалигига меха-низациянинг жорий қилиниши давлат трактор станцияларида трактор паркларининг ўсишига олиб келади. Бирмада Совет Итти-фоқи ва Чехословакия тракторла-рининг сон 1962—63 йилда 2324 та бўлса, 1965—66 йилда 4535 тага етди.

Ҳозирги кунда Бирма ҳаёти-да вужудга келмаётган ижтимоий муносабатнинг янги ва мураккаб формаси тақдирланган қишлоқ хўжалигига асосланган қишлоқ хўжалигига асосланган давлат трактор станцияларида трактор паркларининг ўсишига олиб келади. Бирмада Совет Итти-фоқи ва Чехословакия тракторла-рининг сон 1962—63 йилда 2324 та бўлса, 1965—66 йилда 4535 тага етди.

Ҳозирги кунда Бирма ҳаёти-да вужудга келмаётган ижтимоий муносабатнинг янги ва мураккаб формаси тақдирланган қишлоқ хўжалигига асосланган қишлоқ хўжалигига асосланган давлат трактор станцияларида трактор паркларининг ўсишига олиб келади. Бирмада Совет Итти-фоқи ва Чехословакия тракторла-рининг сон 1962—63 йилда 2324 та бўлса, 1965—66 йилда 4535 тага етди.

риш воситаларини умумлаштириш ва социалистик муносабатларни ўрнатилган иборат. Мазлумини, бу масалани халқ оммасининг ишти-рокинсиз ҳал қилиб бўлмайди. Шу нарсаси равшаники, Бирмада янги ҳаёт қуриш умумхалқ иши бўлиб қолмоқда. Шунингдек, ишчилар синфининг актив иштирокида им-периалистик феодализм ва капитали-стик кучларга қарши блокнинг ту-зилишига боғлиқдир. Ҳеч шубҳа йўқки, Бирма халқи бу вазифалар-ни изчиллик билан амалга ошира-ди.

Бирма мустақиллигига эришган-дан бундан тинчлик ва халқаро ҳам-корлик ишига содиқ бўлиб келди. Совет Иттифоқи билан Бирма ўр-тасида дўстлик ва ўзаро ҳамкор-лик муносабатлари яхши йўлга қўйилган. СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукумати-нинг тақлифига биноан Бирма Ре-волюцион советининг ва Министр-лар Советининг раиси генерал Не Вин расмий визит билан 1965 йил 14 сентябрдан 24 сентябргача Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турди. Бирма ҳукуматининг тақ-лифига мувофиқ, 1965 йил де-кабр ойида совет космонавти В. В. Николаев-Терешко, В. В. Би-ковский ва А. Николаев Бирмада меҳмон бўлишди.

СССР ва Бирма халқлари ўрта-сидан дўстлик йил сайин мустақ-камланмоқда. Совет Иттифоқи миллий кадрлар тайёрлашда Бир-мага катта ердам кўрсатмоқда. Мамлакатимиз ердами билан Ран-гунда қурилган технология инсти-тутини меҳмонхона ҳамда Танжик шаҳрида қурилган замонавий гос-питаля ана шу дўстликнинг ра-мизидир.

Совет ва Бирма халқлари ўрта-сидан дўстлик муносабатларини ривожлантиришда ўзбек халқи ҳам муносиб ҳисса қўймоқда. Бирма нефть саноати ишчилари-нинг вакиллари, давучилар, олим-лар, маориф ходимлари ҳамда Бирма Революцион совети аъзола-ри делегациялари Ўзбекистонда меҳмон бўлишди.

Барча совет халқлари қатори Ўзбекистон меҳнатқиллари ҳам Бирма халқини унинг миллий бай-рам кунини қизғин таъбриллаб, эрксева Бирма халқига ўз муста-қил давлатини янада мустаҳкам-лашда улкан муваффақиятлар тилайдилар.

У. МИРСИМОНОВА, Ўзбекистон ССР Фанлар ака-демияси Шарқшунослик ин-ститутининг илмий ходими.

П Л А Н Е Т А ЯНГИЛИКЛАРИ

КУБАДА БАЙРАМ

ГАВАНА, 3 январь. (ТАСС). Куба революцияси галаба қил-ган кунининг тўққиз йиллигига муносабати билан кеча бу ерда парад ва меҳнаткашлар намо-йиши ўтказилди.

Шундан кейин революция майдонига мингит бўлди. Ми-тингда Куба Компартияси Мар-казий Комитетининг биринчи секретари ва революцион ҳуку-мат бош министри Фидель Кастро кутқ сўзлади.

УИЛЬЯМ ТАМБЭН ЛИБЕРИЯ ПРЕЗИДЕНТИ ЛАВОЗИМИНИ ЭГАЛЛАДИ

МОНРОВИЯ, 2 январь. (ТАСС). Ўтган йили май ойида сурункас-га олтинчи марта тўрт йил му-дат билан Либерия президенти қи-либ сайланган Уильям Тамбэн не-ча ҳасамед қилди. Бешинчи мар-та вице-президент қилиб сайлан-ган Уильям Толлберт ҳам ҳасамед қилдирилди.

Тамбэн биринчи марта Либерия президенти қилиб 1943 йил май ойида сайланган эди. Шундан бе-ри у ана шу лавозимга доимий сайланиб келмоқда.

ПОКИСТОНДА ЧЕЧАК ТАРҚАЛДИ

КАРЧИ, 2 январь. (ТАСС). Шарийи Покистонда қора чечак эпидемияси тарқалди. Расмий маълумотларга кўра, сўнгги сан-ию ойининг ўзидикинг Дакнада 3 минг киши чечак билан оғриб, улардан 2 минг киши ўлди.

Медицина ходимларидан 4.500 киши мутазам равишда чечакка қарши эмлаш ўтказмоқдалар. Жа-ми Шарийи Покистонда 1967 йи-ли 64 миллион аҳолидан 25 ми-лион киши эмланди. Агар 1968 йилда Дакнада чечак тарқалган вақтда ҳар кун 20—25 киши ўл-ган бўлса, ҳозир ўрта ҳисобда 4—5 киши ноубуд бўлмоқда.

Л. ЖОНСОННИНГ МАТВУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

НЬО-ПОРК, 2 январь. (ТАСС). АҚШ президенти Жонсон кеча ўзининг Техасда-ги Рифосида ўтказган матбуот конференциясида мамлакат-нинг тўлов балансидаги зарари-ни қамайтириш мақсадида ўт-казиладиган бир қанча тадбир-ларни маълум қилди. Ана шу тадбирлар орасида чет давлат-ларга қарз беришни қамайти-риш, чет мамлакатларда ҳуку-мат харажатларини қисқарти-риш кўзда тутилди. У, шу-нингдек америкаликларнинг гар-бий ярим шардан ташқаридаги мамлакатларга туристик сафар-ларга чиққишни чеклашга ча-қирди.

«АҚШ ҳукумати, деди Жон-сон, — долларнинг қимматини сақлаб қолиш ва мамлакатнинг молия ҳўжалигига тартиб сақ-лаш учун бутун кучини сарф-лайди».

ХИТӨЙДАГИ ВОҚЕАЛАР

қариш ва сотиш бароғат қўла-ди».

31 декабрда Пекинда «раис Мао асарларини ўрганаётган активларнинг» конференциялар делегатлари ва «Мао Цзэ-дун асарларини босиб чиқариш ма-салаларида бағишланган конфе-ренция» қатнашчилари учун катта расмий қабул маросими ўтказилди.

«Жаньминь жибао», «Ху-ди» ва «Цзефандинь бао» биргаллида эълон қилган қўш-ма директив мақолада Пекин-даги газеталарнинг ҳаммаси ўз-ларининг янги йил сонларида босиб чиқарилади. Бу мақола янги 1968 йилга мўлжалланган вазифаларини белгилаб берган. Мақолада, жумладан, «партия ташкилотлари тозаланиш ва тартибга солиниш» деб таъкиф қилинади. Мао Цзэ-дун гуруҳла-сининг фикрга қўйилмаган ёнчи Маосга таъзим қилишда етарли равишда жонбозлик кўр-сатмаган кишиларнинг ҳаммаси партия сафидан тозаланиши ло-зин, Партияда уларнинг ўрнини «маданий революция» активла-ри — хувайбинлар ва цзэо-фанлар олиши керак. Мақолада партияга буюк маданий револю-ция давомида ўзини кўрсатган энг яхши илгор унсурлар қабул қилиниши лозим, деб таъкид-

ланади. Комсомол ташкилотла-рини ва бошқа оммавий ташки-лотларни «гоний ва тапқилли жихатдан тартибга солиш» иш-лари ҳам шу принцип асосида олиб борилиши лозим.

Мақолада иқтисодий вазифа-лар тўғрисида жуда билинар-билимас қилиниб, гоёт умумий иборалар билан гапирилган. «Ишлаб чиқаришни ривожлан-тириш рағбатлантирилсин», иш-лаш рағбатлантирилсин ва урушга тайёргарлик рағбатлан-тирилсин деб таъкиф қилина-ди. Бироқ, мақолада айтилиши-ча, ишлаб чиқаришни рағбат-лантириш асло моддий рағ-батлантириш шаклида олиб бо-рилмаслиги лозим. Мақолада «экономикамизда каттиқ таъкид қилиш ва унинг қори таъсири-га зарба бериб бериш» яхши кел-ди оммани турмуши яхши-лансин, деган ҳар қандай талаб-ларга қаршилик кўрсатиш за-рурлиги айтилган.

Мақор мақолада қурали кучлар олдига «саноат ва қи-шлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига тағин ҳам яхшироқ ердам кўр-сатиш, ҳарбий контролни тағин ҳам яхшироқ амалга ошириш ва меҳнаткашларга қарши сиё-сий таълим бериш» вазифаси қўйилган.

Пекиндаги ва вилоятлардаги

газеталар ўларининг ҳар кун-ги сонларида босилаётган мақо-лада қурали кучлар «мада-ний революция»ни ўтказишда ва бутун мамлакат ҳаётида етакчи роль ўйнаши лозимли-гини таъкидламоқдалар. «Жень-минь жибао» ва «Вэйшун жи-бао» газеталари қурали куч-ларнинг таъсири остида «Пекин ишчиларининг оғиллиги ўсиб бораётгани» тўғрисида ём-моқда. Мазкур газеталарда бо-силдиб чиққан хабарларда пой-тахт корхоналарида «револю-цион комитетлар»ни тузишда армия қисмлари актив қат-нашаётганили айтилмоқда.

Обуначилар «Хубэй жибао» газетасини икки ҳафтагача ололмаган эдилар. Шу ўзгариш-дан сўнг мазкур газетанинг обуначилар қўлига теккан ва 25 декабрда чиққан биринчи сон марказий Хитойнинг катта саноат шаҳри бўлган Уханда қандай воқеалар бўлаётганини бир мунча ойдийлаштириб берди. Газета редколлегияси эълон қилган хабарда бундай дейлади: «Синхуа ўзгаришга энг ёмон унсурлар таъсири о-стида қолган Вахэ бошқармаси-нинг алданган деҳқонларидан бир қисми бизнинг газетамизни тайриқчилик равишда ва эўр-лик қилиб, 12 декабрдан 24 декабрга қадар ёпиб қўйган эди». Гуанчжоу ва Хитойнинг бошқа районларидан келмаган хабарларда ҳам вазият кескин-лашганили айтилмоқда. (ТАСС, 2 январь).



Хиндистонда яқинда ер қимирлади. Унинг маркази Койна шаҳрида жойлашган. Бу шаҳар Бомбейдан жануби-шарқ томонда 300 километр узоқликда жойлашган. Берилган маълумот-ларга кўра, 100 га яқин одам ҳалок бўлган. Суратда: зилзила маркази Койна шаҳрининг кў-чаларидан бири. АП—ТАСС телефотоси.

